

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЁҚИЛҒИ ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР КИМЁВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**КАФЕДРА: «ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ЁГОЧСОЗЛИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ»**

## **КУРС ЛОЙИХА**

**Мавзуси:** МП типидаги пульсацион тегирмонда целлюлоза  
майдалаш технологияси

**Бажарди:** Низомов М.

**Тошкент – 2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>2</b>
Бугунги кунда Ўзбекистон саноатида қофоз ишлаб чиқариш технологияси .....	6
<b>I. УМУМИЙ ҚИСМ .....</b>	<b>8</b>
Целлюлоза-қофоз ва картон ишлаб чиқариш саноатида яриммаҳсулотлар .....	8
Майдалаш тизимлари ва асбоб-ускуналар .....	9
<b>II. АСОСИЙ ҚИСМ .....</b>	<b>10</b>
МП-190, МП-375, МП-400 русумли пульсацияловчи тегирмонлар ...	10
Тегирмонларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари .....	10
МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмон .....	13
МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонлар .....	15
<b>III. ХИСОБИЙ ҚИСМ .....</b>	<b>20</b>
Ўрам қофози ишлаб чиқариш технологияси материал баланси .....	20
Мехнат фондини ҳисоблаш .....	21
Асосий жиҳозни танлаш .....	23
Яриммаҳсулот массани 46 °ШР даражасигача майдалаш учун тегирмоннинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш ва танлаш .....	23
Ёрдамчи жиҳозни танлаш .....	25
NRA турдаги марказдан қочма масса насослари .....	25
HRB турдаги марказдан қочма масса насослари .....	26
CSP турдаги марказдан қочма масса насослари .....	27
Массани хавзаларга узатиш учун масса насосларининг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш ва танлаш .....	28
<b>IV. МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ .....</b>	<b>29</b>
<b>V. ФУҚАРО ҲИМОЯСИ .....</b>	<b>30</b>
<b>VI. АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ .....</b>	<b>32</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>35</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....</b>	<b>36</b>

## КИРИШ

Қоғоз қадим замонлардан буён инсониятни ўзига мафтун қилиб келган. Қоғоз (бумага) – италянча – «*bambagia*», грекча – «*babakion*» - **пахта** демакдир.

Биринчи бўлиб қоғоз ишлаб чиқариш Хитойда, эрамиздан бир оз олдин ўзлаштирилган. Ҳомашё сифатида аввал ипак толалари, кейинчалик тут дараҳтидан олинган луб, каноп толалари, бамбук ва бошқа табиий толалар ишлатилган. Табиат ва инсон қўли билан яратилган бу қоғоз ўзининг ажойиб хусусиятлари билан бизнинг замонамизда ҳам бебаҳо материал сифатида инсониятга хизмат қилиб келмоқда.

Бизнинг ҳудудимизда эса биринчи бўлиб қоғоз ишлаб чиқариш Самарқанд шаҳрида, 751-йилдан бошланган.

Мазкур хунармандчилик соҳасининг ривожланишига мамлакатимиз ҳудудида етишиб чиқсан қоғозгир (қоғозчи, қоғозрез) усталар катта ҳисса кўшганлар. Бинобарин, бу соҳани атрофлича ўрганиш тарихимиз ва маданиятимизнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда аскотади. Дарвоқе, қоғозгирликнинг юзага келиши учун муайян шарт-шароитлар, амалий билим ҳамда тажриба бўлиши лозим. Энг аввал ўша маконда қоғоз ишлаш учун зарурий ҳомашё, маҳсус асбоб-ускуналар (қозонлар ва ҳ.к.) бўлмоғи керак. Бундай имкониятлар ҳамма жойда ҳам муҳайё бўлган эмас, албатта. Шунинг учун қоғоз ишлаб чиқариш турли мамлакатларда, турли давлатлар ва кўламларда юзага келди.

Машхур аждодларимиз Моти Чандр, Мустафо Али Чалабий, Содикбек Афшорларнинг ёзиича, кўҳна Самарқандда VIII аср ўрталарига келиб қоғоз тайёрлаш кенг ривож топган эди. Бу даврда Самарқандда қоғоз китоб тайёрланган. Шаҳарнинг қоғозчилик устахонасида ишланган қоғоз сифати хусусида Султон Али Машҳадий, Ибн ал-Фақиқ, ал-Хамадоний, Абу Мансур Саолибийларнинг ёзма манбаларида ҳам муносабат билдирилган. Жумладан, Абу Мансур Саолибий ҳазратлари: «Самарқандга хос нарсалардан бири унинг қоғози бўлиб, бу қоғоз Миср қоғозидан устун туради. Бу қоғоз жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун жуда қулайдир», деб ёзадилар.

Қоғознинг кашф этилиши китоб ва китобатчилик санъати тарихида, саводхонлик борасида янги даврни очди. Арабларнинг Ўрта Осиёдаги истилосига қадар кўп нодир китоблар сақланган қутубхоналар бўлган. Қоғознинг шарофати билан тарихчи, котиб, қоғозчи, муқовасоз (сахҳоф), китоб варақларига жило берувчи (лавоҳ ва шу каби) касб соҳиблари

етишиди. Айниқса, нафис китоб яратиш ўта мураккаб, у қоғозрез (қоғоз тайёрловчи, қоғозгир)нинг меҳнати, маҳорати ва малакаси билан чамбарчас боғлик эди.

Машхур Самарқанд қоғозлари силсиласида Али Афанди «Маноқиби хунарвон» асарида «хатма», «султоний» ва «нухаар» деган номларни келтиради. Бу номлар қоғоз тайёрлаш технологияси билан боғлиқ. Мозийда қўли гул қоғозчи усталар мос пахта толаси ва пахта момифидан ҳомашё тариқасида фойдаланиб, хатма қоғоз толасидан эса харирӣ қоғоз ишлаган. Китобчиларга яна сувбелгили султоний ва нухаяр қоғозлар ҳам маҳсус тайёрлаб берилган. Хар бир китоб қоғозидан муқовасига сиёҳидан то бўёклари-ю зархаллигича маълум меъёрда модда, режа, тартибот асосида тайёрланган, ҳатто китобнинг қоғоз варакларидан ҳиди келиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшилар эди. Шундай қилиб, қоғозгирлик ўзига хос санъат даражасига етказилган.

#### 1-жадвал

<b>Йиллар</b>	<b>Қоғоз ишлаб чиқарувчи устахоналар</b>
<b>751</b>	Самарқанд шаҳрида биринчи қоғоз ишлаш устахонаси ишга тушган.
<b>1420– 1470</b>	Кашмир ҳукмдори Зайнул Обиддин Самарқанд устахоналарида қоғоз олиш билан шуғулланувчи усталардан бир гуруҳини Кашмирга олиб бориб қоғоз ишлашни йўлга қўйган.
<b>1450</b>	Самарқанддаги қоғоз устахоналари Хўжа Ахрор Вали мулкига айланган.
<b>1520</b>	Самарқанд қоғоз устахонаси Қорасув ариғи соҳилида жойлашган бўлиб, қуввати 7-8 тегирмонга етказилган, қоғоз сифати дунёга машхур бўлган.
<b>1715– 1720</b>	Қўқон, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида қоғоз устахоналари ишга тушган.
<b>1715– 1724</b>	Қўқондан 2,5–3 километр нарида Черку қишлоғи ёнида ташкил этилган қоғоз устахонаси чамаси 200 йилча фаолият юритган. Устахонани ташкил қилган устанинг сўнгги авлодлари – уста Убайдуллоҳ Орипов ва уста Маразақ эшон Маякубовлар 50 йилга яқин ишлаб, 1924-йилгача ишлаб чиқаришган. Улар яшаган маҳалла «Қоғозгир» деб юритилган.

<b>XIX аср охирлари</b>	Тошкентда Ахмад савдогарнинг 20 нафар ишчилик қоғоз олиш мануфактураси ишлаб турган.
<b>1915</b>	Тошкентда дудсиз порох олиш учун целлюлоза заводини куриш бошланди. 1921–1922-йилларда заводда 158 ишчи ишлаган.
<b>1918</b>	Бухоронинг Гурбун даҳасида 40 нафар ишчига эга бўлган пул қоғози оладиган устахона 1922-йилгача ишлаб турган.
<b>1932</b>	Тошкентдаги қоғоз фабрикаси (дудсиз порох олиш учун целлюлоза заводи асосида) ишга тушди (ҳозирги номи «Ўзбек қоғози» АЖ).
<b>1988</b>	Ангрен картон ишлаб чиқарувчи фабрика фойдаланишга топширилди.
<b>1995</b>	Тошкент қоғоз фабрикаси қурилди.
<b>1997</b>	«Намбум» қўшма корхонаси (Наманган қоғоз фабрикаси).
<b>2000</b>	Янгийўл шаҳрида пахта целлюлозаси ва қоғози олиш фабрикаси ишга тушди.
<b>2002</b>	Фарғона шаҳрида пахта целлюлозасини олиш корхонаси ишга тушди.

Самарқанд қоғози ўрта аср Шарқ хаттолари орасида ғоят қадрли бўлиб, муайян қисми ўлкаларга ҳам чиқарилган. Қоғознинг кўпайиши илм, маънавият ва маърифат нурларининг таралишига катта имконият очди. Биз баён этган технология, асосан, 1200 йил давом этган.

## **БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИДА ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Маълумки, ҳозирги куннинг асосий талабларидан бири республикамизда тайёрланаётган маҳаллий ҳомашёлардан унумли ва самарали фойдаланиб, экспертбоп маҳсулотлар яратишdir. Республикаизда тайёрланадиган асосий маҳаллий ҳомашё – пахта ҳисобланади. Пахтадан эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиладиган юзга яқин маҳсулот олиш мумкин. Кейинги кунларда ғўза, шоли пояси, сомон ва бошқа бир йиллик ўсимликлардан ҳам целлюлоза, қоғоз ва картон ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун янги саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Мисол учун шуни айтиш мумкини, Ўзбекистон мустақилликка эришишдан олдин факат қоғоз ишлаб чиқарувчи «Тошкент қоғози» МЧЖ мавжуд эди. Ҳозирда целлюлоза-қоғоз саноатида ўнга яқин целлюлоза, картон ва қоғоз ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда бу корхоналар толали ҳомашё сифатида пахта момифи ва ёғоч целлюлозасидан фойдаланади. Маълумки, целлюлоза пахта момифи асосида тайёрланади.

Қоғоз ишлаб чиқаришда ишлатиладиган целлюлоза бир йиллик ўсимликлардан олинган техник целлюлозадан олиниш усули, ишлатилиш соҳалари, ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича фарқ қиласи.

Картон ишлаб чиқариш учун макулатура ва бир йиллик ўсимликлардан олинган техник целлюлоза ишлатилади. Ёғоч целлюлозадан ёзув ва босма қоғози ишлаб чиқарадиган корхона «Наманган қоғози» МЧЖ ҳисобланади. Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг асосий қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади ва турли давлатларга экспорт қилинади.

Қоғоз ва картон ишлаб чиқариш технологик жараёнлари босқичларининг кетма-кетлик кўриниши қуйидагича:

- ҳомашёни жараёнга тайёрлаш;
- масса тайёрлаш аппаратлари;
- масса сақловчи ҳавза, сиғим ва баклар;
- насослар;
- масса қуолтиргич;
- массани нозик тозалаш аппаратлари;
- қоғоз, картон ва целлюлозадан папка тайёрлаш машиналари;

- тўр столининг сувсизлантирувчи элементлари;
- санитар-гигиеник қоғоз олиш технологияси;
- қоғоз (картон) юзасини pardozlash, bichim (format) бўйича қирқиш;
- гофрировчи агрегат.

Шунингдек, қоплама жиҳозлардан асосан, пахта момифи ва бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза, қоғоз ҳамда макулатурадан картон ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг қисқача мазмуни ҳам баён этилган. Унда:

- пахта момифини механик аралашмалардан тозалаш;
- бир йиллик ўсимликларни (сомон ва ғўзапоя) пиширишга тайёрлаш;
- пахта момифи ва бир йиллик ўсимликларни пишириш қозонлари, пишириш учун кимёвий воситалар тайёрлаш ва саралаш аппаратлари;
- целлюлоза массасини титиш, майдалаш, саралаш, тозалаш ва қуюқлаштириш аппаратлари;
- целлюлоза папкаси, қоғоз ва картон қўйиш машиналари;
- целлюлоза папкаси, қоғоз ва картон полотноларини pardozlash;
- тайёр маҳсулотларни тахлаш ва ўраш усуллари келтирилган.

## I. УМУМИЙ ҚИСМ

### ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОГОЗ ВА КАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИДА ЯРИММАХСУЛОТЛАР

Целлюлоза-қоғоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган ҳар бир асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва қандай вазифани бажариши унга келадиган маҳсулотлар ва уларнинг масса турлари, ўлчамлари, сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвик параметрлари орқали бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқарилган қоғоз турларига қараб, қоғоз масса номлари ҳам ҳар хил номлар билан аталади:

**Толали масса** – толали яримфабрикатнинг технологик жараёнларда қўлланиладиган целлюлозанинг сувли эритмалардаги суспензияси;

**Целлюлозали масса** – толали яримфабрикатнинг сувли ва технологик жараёнларда қўлланиладиган эритмалардаги суспензияси;

**Яримцеллюлозали масса** - технологик жараёнларда қўлланиладиган яримцеллюлозанинг сувли эритмалардаги суспензияси;

**Рафинирланган масса (қайта майдаланган масса)** – майдаланган масса;

**Термолеканик ёғоч масса** – қисман иситиб ишлов берилган ёғоч массани майдалаб олинган сувли суспензияси;

**Кимёвий термолеканик ёғоч масса** – қисман кимёвий ва иссиқлик таъсирида ишлов берилиб, майдалаб олинган масса;

**Оқартирилган ёғоч масса** – гидросульфит, пероксид ва уларнинг аралашмалари маълум тартибда оқартирилган ёғоч масса;

**Ёғоч масса** – қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун толали ёғочнинг яриммаҳсулоти. Бу масса кимёвий моддаларни ишлатмасдан, ёғочни дефибратор ёрдамида ёки пайраҳаларни атмосфера босимида тегирмонларда майдалаш йўли билан олинган масса. Олинган толали масса миқдори 93...96 % ;

**Жирная масса – мойли масса** – массанинг ҳолати. Толаларни майдалашда ёки бироз калталашибдиришда ҳосил бўлган фибрилланган маҳсулот. Массани қўлда ушлаганда мойга ўхшаб сирпанади. Шунинг учун мойли деб юритилади. Пластик ҳолда секин сувсизланади ва ҚҚМ тўрида зич қатлам ҳолатда чўкади;

**Механик масса** – қофоз ва картон ишлаб чиқариш учун яримфабрикат бўлиб, дискали тегирмонда пайраҳадан ёки ғўладан дефибраторда олинади. Ҳосил бўлган масса микдори 80...98 % ни ташкил этади. Механик массага қўйидагилар киради: ёғочдан дефибрирланган масса, рафинёрланган ёғоч масса, термомеханик ёғоч масса, кимёвий-термомеханик ёғоч массалар;

**Толалари қисман фибрillланган масса (садкая масса)** – суви тез ажраладиган қофоз масса.

Қофоз ишлаб чиқаришда яриммаҳсулотлар, булардан асосийси, техник целлюлоза, яримцеллюлоза, механик масса ва макулатуралар қўлланилади.

## МАЙДАЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА АСБОБ–УСКУНАЛАР

Целлюлоза-қофоз ва картон массасини тайёрлаш жараёни қўйидаги асосий майдалаш тизимлари ва асбоб-ускуналарни ўз ичига олувчи технологик тизимлардан иборат:

- яриммаҳсулот кипларни гидромайдалагичларга узатувчи конвеерлар;
- келтирилган яриммаҳсулотларни титувчи гидромайдалагичлар;
- юқори концентрацияли массаларни тозалагичлар;
- ❖ **титиш учун пулсацияланувчи тегирмонлар;**
- концентрацияси паст массаларни (дискли ёки конусли тегирмонлар) майдалагичлар;
- юқори концентрацияли массаларни майдалайдиган тегирмонлар (фақат маҳсулотларнинг кўринишини аниqlаш учун);
- массаларни тозаловчи ва газсизлантирувчи асбоб-ускуналар;
- нозик сараловчи босимли саралагичлар;
- паст ва ўрта концентрацияли массаларни аралаштирувчи ва сақловчи бассейнлар;
- паст ва ўрта концентрацияли массаларни узатувчи насослар;
- қувурлар ва арматуралар;
- технологияни бошқарувчи тизим схемалари.

## II. АСОСИЙ ҚИСМ ТЕГИРМОНЛАР

### **МП-190, МП-375, МП-400 русумли пульсацияловчи тегирмонлар**

Бир қанча саралаш, тозалаш, элаш, майдалаш каби жараёнлардан ўтган массани титиш учун *тегирмонлардан* фойдаланилади.

Гидромайдалагичларда қийин титиладиган целлюлоза толаларини майдалашдан олдин аввал чала титилади. Бу ишларни пульсацион тегирмонлар бажаради. Бундай тегирмонлар целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришда толали яримфабрикатни титишга мўлжалланган.

### **Тегирмонларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари**


Пульсацияловчи тегирмон макулатурани қайта ишлаш линиясига ўрнатилади. У қоғоз ва картон қуйиш машиналарида ҳамда целлюлозани майдалаш аппаратида ҳосил бўлган қоғоз чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган. Пульсацияловчи тегирмон станица, ротор, статор, тирқиши бошқаргич механизмларидан тузилган. Ротор вали подшипникка ўрнатилган. Роторнинг ўқ бўйлаб ҳаракати маҳсус механизм ёрдамида бошқарилади. Ротор вали тишли муфта орқали электр двигатель ёрдамида ҳаракатлантирилади. Ротор ва статорнинг пичоқлари толали суспензияни титиш зонасида қатlam (рубашка) ҳосил қиласди. Ротор валига конус шаклида қуйма қатlam ўрнатилган, унинг ташки томонида эса учта ҳалқа пичноқ мавжуд. Яримфабрикатларни титиш – масса оқимининг узлуксиз ўзгариб туриши, массадаги толаларнинг бир-бирига ишқаланиши натижасида амалга ошади. Пульсацияли тегирмонда толалар ўралиб ва тугунлари титилади. Бунда тола қирқилмайди. Осон титиладиган толалар осон ва қийин титилишига қараб бир ва бир неча босқичда титилади. Тегирмон масофали бошқариш пультидан бошқарилади ва маълумотлар олинади.



*1-расм: МП-190, МП-375, МП-400 русумли пульсацияланувчи тегирмонларнинг умумий кўриниши.*

### Техник тавсифи

<b>Параметрлар</b>	<b>МП-190</b>	<b>МП-375</b>	<b>МП-400</b>
Күввати ҳаво қуруқлигидаги тола., $m/sутка$	10...35	35...110	60...190
Суспензия концентрацияси, $g/l$		20...50	
Титиш даражаси, %		65...96	
Роторнинг катта диаметри, $мм$	190	375	400
Масса босими, $MPa$ :			
- киришда, камида		0,05	
- чиқишида, кўпи билан		0,4	
Ротор электрдвигатели:			
- қуввати, $kВт$	22	75	110
- айланиш частотаси, $мин^{-1}$	3000	1500	1500
Штуцер диаметри, $мм$ :			
- масса, киришда	100	200	200
- масса, чиқишида	80	100	150
Габарит ўлчамлари, $мм$ :			
- узунлиги	1665	2310	2530
- эни	393	622	865
- баландлиги	580	825	877
Массаси, $кг$	690	2200	2640



## **2-расм. МП типидаги пульсацион тегирмон:**

1 – двигатель вали; 2 – ҳимоялагич; 3 – тишли муфта; 4 – ротор; 5 – қурилма оралиқ механизми; 6 – станина; 7 – плита; 8 – роторни фиксацияловчи механизм; 9 – статор.

МП типидаги пульсацион тегирмоннинг техник қўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

*3-жадвал*

### **АО “Петрозаводскмаш” чиқараётган МП типидаги пульсацион тегирмонларнинг техник қўрсаткичлари**


Параметр	Тип ва ўлчами	
	МП-375	МП-400
Ишлаб чиқариши, а.қ. тола, <i>m/сут</i>	85...110	60...90
Суспензиянинг масса концентрацияси, <i>г/л</i>	20...50	20...50
Титиш даражаси, %	65...96	65...96
Роторнинг энг катта диаметри, <i>мм</i>	375	400
Масса босими, <i>MPa</i> :		
- киришда, камидা	0,05	0,05
- чиқишда, кўпи билан	0,4	0,4
Роторни ҳаракатлантирувчи электродвигатель:		
- қуввати, <i>kВт</i>	75	110
- айланиш частотаси, <i>мин<sup>-1</sup></i>	1500	1500
Габарит ўлчамлари, ҳаракатлантирувчи қисми билан, <i>мм</i> :		
- узунлиги	2252	2530
- эни	608	865
- баландлиги	825	858
Оғирлиги, <i>кг</i> , кўпи билан:		
- тегирмонлар	1770	2085
- тегирмон, электр қурилмалари ва эҳтиёт қисмлари билан	1930	2290

## **МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмон (ОСТ 26-08-1439-81)**

Бу тегирмон макулатура, нуксонли қофоз ва целлюлозани титишга мүлжалланган. Пульсацияловчи тегирмон мақулатура, қофоз-картон қуйиш машиналарида ҳосил бўлган нуксонли қофоз ва целлюлозани майдалашдан олдин ишлов беришда ва массани қофоз-картон қуйиш машиналарига беришдан олдин масса сифат кўрсаткичларини бир меъёрга келтиришда қўлланилади. Унинг ишлаш принципи толалар тўпини пульсация натижасида ҳосил қилинган босимдан фойдаланишга асосланган.


Пульсацияловчи тегирмон статор ва ротордан иборат. Статор ишчи камерага маҳкамланган бўлиб, станина билан бирга ясалган (3.а, 3.б-расм).

Тегирмоннинг ишчи органи – статор ва ротор конуссимон шаклда бўлади. Ротор ва статор орасидаги тирқиши махсус механизм ёрдамида бошқарилади. Ротор валининг узатмаси муфта орқали двигателга бирлаштирилган. Тегирмон ва двигател умумий плитага ўрнатилган. Тегирмоннинг техник тавсифи 4 ва 5-жадвалларда берилган.



**3.а-расм. МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмон:**

1 – статор; 2 – ротор; 3 – станина; 4 – тирқиши ўрнатиш механизми; 5 – тишли муфта.



**3.6-расм. МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмоннинг чизмаси ва габарит ўлчамлари**

4-жадвал

**МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмоннинг техник тавсифи**

Номи	МКЛ-03М
Ишлаб чиқариш қуввати (куруқ ҳаводаги толага нисбатан), <i>t/сутка</i>	5-25
Толалар масса улуши, %	2-5
Ротор диаметри, <i>мм</i>	190
Ишчи сатхлар сони	3
Двигател:	
-тури	4A180S2U3
-қуввати, <i>kВт</i>	22
-айланиш частотаси, <i>мин<sup>-1</sup></i>	3000
-кучланиши, <i>B</i>	380
Габарит ўлчамлари, <i>мм</i> :	1565x410x580
Массаси (умумий), <i>кг</i>	680

5-жадвал

## МП-00 маркали пульсацияловчи тегирмоннинг технологик кўрсаткичлари

Белгилар	Номи	Сони	Штуцер диаметри, <i>D, mm</i>	Босими, <i>MPa</i>
А	Массани бериш	1	100	0,1
Б	Массани чиқариш	1	80	0,4
В	Совутилган сувни бериш	1	8	0,5
Г	Сувни чиқариш	1	8	0,5

## МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонлар (ОСТ 26-08-1439-81)

Ушбу тегирмонлар макулатура, нуқсонли қоғоз ва целлюлозани титишга мўлжалланган.

Пульсацияловчи тегирмон макулатура, қоғоз-картон қўйиш машиналарида ҳосил бўлган нуқсонли қоғоз ва целлюлозани майдалашдан олдин ишлов беришда ва массани қоғоз-картон қўйиш машиналарига беришдан олдин ҳосил қилинган массанинг сифат кўрсаткичларини бир меъёрга келтиришда қўлланилади (4.а, 4.б-расм).

Унинг техник тавсифи 6 ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал


### **МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонларнинг техник тавсифи**

<b>Номи</b>	<b>МП-03</b>	<b>МП-04</b>
Ишлаб чикқиши қуввати (куруқ хаводаги толага нисбатан), <i>m/сутка</i>	25-95	50-165
Толалар масса улуши, %		
Ротор диаметри, <i>мм</i>	375	400
Ишчи сатхлар сони	3	3
Двигател:		
-тури	4A250S4U3	4A280S4U3
-қуввати, <i>кВт</i>		
-айланиш частотаси, <i>мин<sup>-1</sup></i>	75	110
-кучланиши, <i>В</i>	380	380
Габарит ўлчамлари, <i>мм</i> :	2200x575x825	2480x875x885
Массаси (умумий), <i>кг</i>	1820	2300

7-жадвал


### **МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонларнинг технологик штуцерлари**

<b>Белгилар</b>	<b>Номи</b>	<b>Сони</b>	<b>Штуцер диаметри</b>	<b>Босими, МПа</b>
А	Массани бериш	1	300	0,0-0,1
Б	Массани чиқариш	1	150	0,2-0,4
В	Сувни бериш	1	8	0,5
Г	Сувни чиқариш	1	8	0,5




**4.а-расм. МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонлар:**

1 – статор; 2 – ротор; 3 – станина; 4 – тирқишининг катталигини ростловчи механизм; 5 – тишли муфта.




**4.б-расм. МП-03 ва МП-04 маркали пульсацияловчи тегирмонларнинг чизмаси ва габарит ўлчамлари**

Ўрашга мўлжалланган қоғоз ва картонларни ишлаб чиқариш учун макулатурадан масса тайёрлаш схемаси қуйидаги расмда келтирилган.



**5-расм: Ўраш қоғоз ва картонларини ишлаб чиқариш учун макулатурадан масса тайёрлаш схемаси**



**6-расм. Картон ишлаб чыкарыш технологияси:** ОМ – механик құшимчалардан тозалагич; МП-04 – пульсация тегирмони; СВС – тебранувчи саралагич; СИИ – тирқишли элак; МД – дискали тегирмон; СНС – босим яшигига тозалагич; ОВ –уюрмали тозалагич; БПУ – бир текис баландликда ушлаб турувчи бак; НЯ – босим яшиги; ПРС – полотнонни кесувчи станок.

### III. ХИСОБИЙ ҚИСМ

#### ҮРАМ ҚОҒОЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

##### МАТЕРИАЛ БАЛАНСИ

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати: йилига – 80 000 тонна

1 м<sup>2</sup> ўрам қоғози оғирлиги – 100 – 125 г

1 та рулонда стандарт – 250 ÷ 650 кг

1 йиллик махсулотнинг соғ вазнини ҳисобласак:

$$80\ 000 \text{ } m = 80\ 000\ 000 \text{ } kg$$

$$80\ 000\ 000 \text{ } kg — \chi$$

$$650 \text{ } kg — 1 \text{ } \text{рулон}$$

$$\chi = 123\ 077 \text{ } \text{рулон}$$

## **МЕХНАТ ФОНДИНИ ҲИСОБЛАШ**

1 йил = 365 кун

дам олиш кунлари: шанба ва якшанба = 104 кун

байрам кунлари = 8 кун

завод дам олиш куни = 30 кун

Заводнинг йил давомида иш кунини ҳисоблаймиз:

$$365 - 104 - 8 - 30 = 223 \text{ кун}$$

Демак заводнинг 1 йиллик иш куни жами = 223 кундан иборат.

Буни жадвал кўринишида тасвирлаймиз:

8-жадвал

<b>Йиллик календар режаси</b>	<b>Кунлар сони (рақамда)</b>
Дам олиш кунлари:	
Шанба	104
Якшанба	
Байрам кунлари	8
Завод дам олиш куни (тозалик ва таъмирлаш ишлари учун)	30
Иш кунлари	223
<b>Жами: 1 йил</b>	<b>365</b>

Корхонанинг 1 йилга ишлаб чиқариш қуввати = 80 000 тоннага тенг.

Бундан 1 суткада ишлаб чиқариш унумдорлигини ҳисоблаш учун керак бўладиган ҳомашёни ҳисобланади:

$$80\,000 \text{ т} : 223 \text{ кун} = 358,7 \text{ тонна}$$

Корхонанинг неча сменалик ишлашига кўра ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади:

$$1 \text{ сутка} = 24 \text{ соат}$$

$$1 \text{ смена} = 8 \text{ соат}$$

$$358,7 \text{ т} : 24 \text{ соат} = 15 \text{ тонна}$$

Ишлаб чиқариш қуввати: 1 соатда = 15 тонна

$$15 \text{ тонна} \times 8 \text{ соат} = 120 \text{ тонна}$$

Ишлаб чиқариш қуввати: 1 сменада = 120 тонна

$$2 \text{ сменада} = 240 \text{ тонна}$$

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини қўйидаги жадвалда ифодалаймиз:

9-жадвал

	1 йилда (m)	1 суткада (m)	1 сменада (m)	2 сменада (m)
Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати	80 000	358,7	120	240

## АСОСИЙ ЖИХОЗНИ ТАНЛАШ

### Яриммаҳсулот массани 46 °ШР даражасигача майдалаш учун тегирмоннинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш ва танлаш:

Майдалаш керак бўлган целлюлоза:  $Q = 22 \text{ m/сутка.}$

Майдалаш учун энергия солиштирма сарфи:  $A_o = 12 \text{ кВт/m}$

Сўнгги майдаланиш даражаси:  $\Pi_c = 42 \text{ °ШР.}$

Бошланғич майдаланиш даражаси,  $\Pi_b = 26 \text{ °ШР.}$

Яриммаҳсулотни майдалашга сарф бўлган электр энергия миқдори,  $A:$

$$A = A_o \times Q \times (\Pi_c - \Pi_b) = 12 \times 22 \times (42 - 26) = 4224 \text{ кВт.соат/сутка}$$

Сутка давомида ишлаган пулсацион тегирмон сарфлаган - ( $M_{эд}$ )  
электр энергия миқдори:

$$M_{эд} = \frac{A}{\tau \times \eta} = \frac{4224}{24 \times 0,9} = 195,5 \text{ кВт}$$

Бу ерда:  $\eta = 0,9$

$$\tau = 24 \text{ соат.}$$

Майдалашдаги босқичлар сони,  $n:$

$$n = \frac{\Pi_c - \Pi_b}{\Delta \text{°ШР}} = \frac{42 - 26}{8} = 2 \text{ °ШР}$$

$$\Delta = 8 \text{ °ШР}$$

бу ерда 8 – яриммаҳсулотнинг бир босқичда майдалаганда ортган  
миқдори.

Ҳар бир босқичда сарфланадиган энергия: 1 – 60 %; 2 – 40 %.

$$M_{эд1} = M_{эд} \times 0,6 = 195,5 \times 0,6 = 117,3 \text{ кВт}$$

$$M_{эд2} = M_{эд} \times 0,4 = 195,5 \times 0,4 = 78,2 \text{ кВт}$$

**Техник күрсаткычларига кўра МП – 00 маркали пулсацион тегирмон асосий жиҳоз учун танланди.**

Унинг техник күрсаткычлари:

1. Электр двигатель қуввати – 22  $kW$ .
2. Ротор диаметри – 190  $mm$ .
3. Ишлаб чиқариш қуввати, ҳаво қуруқлигидаги целлюлозага нисбатан – 5-25  $m/s$ утка.

Булардан

$$\left. \begin{array}{l} 1 - \text{босқич учун: } \frac{117,3}{200} = 0,58 \approx 0,6 \\ 2 - \text{босқич учун: } \frac{78,2}{200} = 0,3 \end{array} \right\} \quad \text{1 дона тегирмон}$$

Демак, ҳисоблар натижасида ишлаб чиқаришда бизга керак бўладиган тегирмонлар сони 1 тани ташкил этади.


## ЁРДАМЧИ ЖИХОЗНИ ТАНЛАШ

Нафакат макулатура, балки целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқариш технологиясида ёрдамчи қурилмаларнинг энг асосийси бу – **насослардир**. Насослардан целлюлоза-қоғоз ва картон массаларини ҳайдашда, яъни транспортировка қилишда, ишқор ва кислотали эритмаларни узатишда, эмулгатор, бўёқ, ингибитор ва бошка қўшимчаларни меъёрида беришда, ҳамда нейтрал, оқова сув ва бошқа захари кам суюқликларни чиқаришда ҳам фойдаланилади.

Тегирмон учун ёрдамчи жиҳоз сифатида целлюлоза-қоғоз ва картон массасини транспортировка қилишда кенг қўлланиладиган қуйидаги насослардан бирини танлаш ўринлидир.

### NRA ТУРДАГИ МАРКАЗДАН ҚОЧМА МАССА НАСОСЛАРИ

Бу турдаги насосларнинг вазифаси концентрацияси 6 % гача бўлган ҳар хил қоғоз массасини транспортировка қилишдан иборат. Босими 7 дан 77 метргача бўлган насосларнинг қуввати минутига 216 дан 324 литрни ташкил этади.



7-расм. NRA туридаги марказдан қочма масса насос:

1 – насоснинг ишчи корпуси; 2 – ишчи ғилдирак; 3 – вал; 4 – муфта; 5 – таянч рама; 6 – электро-двигател

## **HRB ТУРДАГИ МАРКАЗДАН ҚОЧМА МАССА НАСОСЛАРИ**

Бу турдаги насосларнинг вазифаси концентрацияси 6 % гача бўлган ҳар хил қоғоз массасини транспортировка қилишдан иборат. Босими 7 дан 76 метргача бўлган насосларнинг қуввати минутига 150 дан 1300 литрни ташкил этади.




**8-расм. HRB турдаги марказдан қочма масса насоси:**

1 – насоснинг ишчи корпуси; 2 – ишчи фидирак; 3 – вал; 4 – муфта; 5 – таянч рама; 6 – электродвигател.

## **CSP ТУРДАГИ МАРКАЗДАН ҚОЧМА МАССА НАСОСЛАРИ**

Бу турдаги насосларнинг вазифаси концентрацияси 6 % гача бўлган ҳар хил қоғоз массасини транспортировка қилишдан иборат.



**9-расм. CSP турдаги марказдан қочма масса насоси:**

1-спирал кўринишили корпус; 2-ишчи филдирак; 3-подшипниклар корпуси; 4-муфта.

### **Массани хавзаларга узатиш учун масса насосларининг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш ва танлаш**

Насосга узатилаётган массадаги қуруқ целлюлоза миқдори –  
 $P = 358,7 \text{ m/sутка}$

Масса концентрацияси –  $C = 6 \%$

Захира коэффициенти –  $K = 1,3$

Бир суткада ишлаш вақти –  $z = 24 \text{ соат}$

Целлюлозанинг намлиги –  $W = 8,5 \%$

Насоснинг ишлаб чиқариш қуввати –  $Q_m, m^3/coam$ :

$$Q_m = \frac{P(100 - W)}{z C} = \frac{358,7(100 - 8,5)}{24 \cdot 6} = \frac{358,7 \cdot 91,5}{144} = \frac{1,3}{1,3} = 227,92 \frac{m^3}{coam}$$

Биз юқорида келтирилган насос турларидан ишлаб чиқариш қуввати ва сифимини инобатга олган холда 80-NRA-350 турдаги марказдан қочма масса насосини ёрдамчи жиҳоз сифатида танлаб олдик.

Насоснинг техник кўрсаткичлари:

1. Ишлаб чиқариш қуввати –  $216\dots324 m^3/coam$
2. Босими –  $7\dots77 m$
3. Электрдвигатель қуввати –  $kBm$
4. Ҳажм ўлчамлари –  $1635 \times 655 \times 690 mm$

$$\left. \begin{array}{c} \frac{324 m^3/coam}{227,92 m^3/coam} = 1,42 \approx 2 \\ \end{array} \right\} 2 \text{ дона насос}$$

Демак, ишлаб чиқаришда бизга ёрдамчи жиҳоз – насос 2 дона керак бўлади.

Ўрам қофози ишлаб чиқариш саноатида керакли жиҳозлар сони ва турини қуийдаги жадвалда кўриш мумкин:

10-жадвал

Жиҳоз	Марка	Сони
Асосий: Тегирмон	МП-00	1 та
Ёрдамчи: Насос	80-NRA-350	2 та

## **IV. МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ**

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида «Мехнатни муҳофаза қилиш» бўлими ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу бўлим корхона раҳбари назорати остида бўлиб, бу бўлимда корхонанинг иш олиб бориш жараёнининг барча кўринишлари ва ҳолатларини ўз ичига олади.

«Мехнат муҳофазаси» бўлими қуйидаги функцияларни ўзида акс эттиради:

- меҳнатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан танланган ишлаб чиқариш усулини асослаш;
- ҳомашё кимёвий воситалар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотни заҳарлилик ва ёнгин-портлаш хавфсизлиги бўйича баҳолаш;
- ишлаб чиқариш категориясини аниқлаш ва ишлаб чиқариш биносини, майдонларини, ишлаб чиқариш жиҳозларини, кимёвий воситаларни ташиб ва саклаш усусларини танлаш;
- ишчиларнинг ҳимоя воситаларини танлаш;
- қасбий касалликларни ва ишлаб чиқариш травмотизимини профилактика қилиш бўйича тадбирларни баён қилиш.

Корхонага янги келган ишчи ва хизматчилар меҳнат муҳофазаси бўлимиning юқоридаги бандлари бўйича таништириб чиқилади ва маҳсус ушбу бўлимга оид тузилган корхона инструктажи билан меҳнат муҳофазаси бўлимига масъул ҳодим томонидан таништирилади ва янги ишчи томонидан имзоланади.

Мехнат муҳофазаси бўлимиning корхона инструктажи ҳар бир корхонанинг иш олиб бориш даврига кўра барча ҳодим ва ишчиларга бир йилда маълум маротаба ўтилади ва улар томонидан имзоланади. Корхонада ва ишлаб чиқариш жараёнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда корхона инструктажи ҳам қайтадан кўриб чиқилиб, қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилади.

## **V. ФУҚАРО ҲИМОЯСИ**

Нафакат ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалашда, балки ҳар қандай идора ва муассасанинг қурилиш лойиҳаларида “Фуқаро ҳимояси” бўйича фуқаро мудафааси талабларини лоиҳаланаётган обьектнинг ҳамма асосий қисмларида ҳисобга олган ҳолда маълумотлар тузиб чиқилади.

Фуқаро ҳимояси масаласига асосан:

- ишчи ва хизматчиларни табиий оғатларнинг (зилзила, сел, қуюн) оммавий ҳалок қилувчи омилларидан ҳимоя қилишни ташкил этиш (ишчилар ва уларнинг оиласларини эвакуация қилиш режаси);
- лойиҳаланаётган корхоналарда фуқаро мудофаасини ташкил этиш (фуқаро мудофаасининг ташкилий тузилиши, қутқарув ва авария-тиклиш ишларини ўтказиш режаси);
- хавфли кимёвий авария оқибатларини тугатишни ташкил қилиш;
- хавфли кимёвий авария оқибатларини тугатишда кимёвий хавфни йўқотиш воситаларини жойлаштириш ва уларни назорат қилиш;
- хавфли кимёвий авария оқибатларини тугатишнинг усуллари ва воситалари;
- хавфли кимёвий авария оқибатларини тугатишнинг ўзига хос жиҳатлари;
- обьектда жорий қилиш мумкин бўлган фавқулотда ҳолатлар;
- ер қимиришлари, табиий ҳодисалар;
- сув босиши мумкин бўлган худудлар, катта ҳажмдаги сувни сиғдира оладиган сув ховузларининг мавжудлиги, ёнғинлар, “шамол йўналишлари” бўйича кимёвий заҳарланиши;
- ишчи, хизматчилар ва аҳолини технологик ва табиий хавфдан огоҳ этиш тартиби;
- индивидуал ҳимоя воситалари ва саноат противогазларининг маркалари;

- заарсизлантирувчи воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг фавқулотда холатларда қўлланилиши;
- фавқулотда холатларда кутқарув ишларининг ўтказилиши;
- хом ашё, кимёвий воситалар, яrim тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларни ҳимоялаш ва заарсизлантириш;
- ўтказгич қувурлар, энергия тармоқлари, ҳаво йўллари, темир йўл ва автомобил йўлларини муҳофазалаш;
- терроризм билан қурашнинг асосий принциплари;
- терроризм билан қурашнинг очик ва яширин методлари;
- антитеррор операцияларига жалб қилинган кучлар ва воситаларни бошқаришда якка қўмондонлик;
- жазонинг қайтиб олинмаслиги;
- терроризмни пропаганда қилишнинг жазоланиши;
- тайёрланаётган ёки амалга оширилган террористик актлар ҳақидаги маълумотларни сир тутганликнинг жазоланиши ва бошқа холатлар.

## **АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ**

Мустақиллик даврида иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, аҳолини тезлик билан кўпайиши шароитларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистондаги мавжуд бўлган асосий экологик муаммоларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Ерларни юқори даражада шўрланганлиги.
2. Ер ости ва ер усти сувларни оқова сувлар билан ифлосланиши.
3. Атмосфера ҳавосини газ-чанг чиқиндилар билан ифлосланиши.
4. Орол муаммоси.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун Давлат томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди: “Табиатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қонун (9-декабр 1992 йил); “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисида (6-май 1993йил); “Ер тўғрисидаги кодекс” (1-июл 1998 йил); “Ўрмон” ҳақидаги қонун (14-апрел 1999 йил); “Ўсимликларни муҳофаза қилиш” (26-декабр 1997йил) “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қонун (27-декабр 1996йил)лар шулар жумласидандир.

Бу қонунларни хаётга тадбиқ этиш Республикадаги экологик вазиятни яхшилашга ва аҳоли учун экологик жиҳатдан соғлом шароит яратишга имкон беради.

Қадимда целлюлоза-қофоз ва картон ишлаб чиқариш саноат корхоналарида бир мунча ҳосил бўлган ва атроф муҳитга келиб тушадиган чиқиндилар кузатилган. Бугунги кунда ушбу чиқиндилар макулатура номини олган. Шу туфайли бу захарли моддаларнинг атмосфера ҳавосида сув ҳавзалар ва тупроқдаги миқдори ортиб кетиб, қўйилган санитария талабларга жавоб бермаган. Лекин бугунги кунга келиб техника ривожланиши туфайли қофоз ва қофоз маҳсулотлари билан боғлиқ ҳар қандай чиқинди – макулатураларни йўқ қилишнинг йўллари ва усуслари саноат миқёсида топилган. Ҳозирги қундаги фаолият кўрсатаётган целлюлоза-қофоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналари анча ривожланиб, улар ўз таркибига тайёрлов, қофозга қайта ишлов бериш, макулатурани қайта ишлаш ва ундан турли хил

ўрам қоғозлари, картонлар, қутилар, гофрирланган картонлар ишлаб чиқариш цехлари, шунингдек қоғоз ва қоғоз маҳсулотларига қайта ишлов бериш каби турдаги цех ва бўлимларни киритмоқда. Корхоналар таркибига ТЭС станциялари ҳамда тайёрлов бўлимлари киради. Шунинг учун, целлюлоза-қоғоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиларни аниқлашда қўшимча жараёнларда ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳам ҳисобга олиниди.

Целлюлоза-қоғоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналарида иш бориши жараёнларида қуийдаги захарли ва инсон саломатлигига ҳавфли бўлган моддалар кўлланилади:

Ишқор, оксид, натрий гиппохлорит, водород пероксида, натрий ишқори, натрий силикат, магний сульфат, натрон ва сульфат, уларнинг модификацияси, карбонат, тиосульфат, натрий полисульфид, сахарозали сульфонатлар, а – гидроксисульфонлар, альдон кислоталар, карбон кислоталар, цимол, фенол, озон моддаси, пероксикислоталар, эмулгатор, бўёқ, ингибитор, канифол ва каолин ва бошқа кимёвий моддалар. Бу моддалар тўлиқ тозаланмасдан ташланганда атмосфера ҳавосини, тупроқ, дарё сувлари ва ер ости сувларини ифлосланишига олиб келади.

Целлюлоза-қоғоз ва картонга ишлов бериш жараёнида, асосан, чанглар ҳосил бўлмайди, чунки ишлаб чиқаришда асосий ёрдамчи манба сифатида сувдан фойдаланилади. Шу туфайли нафақат корхона, балки атроф-муҳитнинг ҳам турли кимёвий ва заарли чанглардан ифлосланишига йўл қўйилмайди.

Целлюлоза-қоғоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналарида унча кўп бўлмаган миқдорда турли хилдаги чиқиндилар (металлар, сим, кип, тош ва шунга ўхшаш) ҳосил бўлади, лекин уларнинг миқдори ишлаб чиқарилаётган маҳсулот олдида ҳеч қанчани ташкил этмайди. Бундан ташқари, қоғоз ва картон тайёрлаш жараёнида маҳсулотнинг маълум қисмидан ҳам чиқиндилар ҳосил бўлиб, уларга тегишли ишлов берилгандан сўнг яна қайта ҳомашё сифатида қоғоз ва картон маҳсулотларини олиш учун ишлатилиши мумкин.

Целлюлоза-қоғоз ва картон ишлаб чиқариш жараёнида энг асосий манбаълардан ҳисобланган сувдан ҳам кўп маротаба фойдаланиш имконияти мавжуддир. Ҳозирги кунда бунинг ҳам имкони топилган бўлиб, технологик жараёнларда ишлатилган сув чиқинди сув

хисобланса-да, ушбу сувни кимёвий усуллар ва реагентлар ёрдамида тозаланиб, яна қайта ишлатиш айланма цикли яратилган.

Корхоналарда ҳосил бўлган оқова сувлар йирик ва майда заррачалар, органик ва ноорганик бирикмалар билан ифлосланиши мумкин.

Оқова сувларни тозалаш усуллари қуйидагича:

- Механик усуллар – тиндириш, филтрланган центрифугалаш, сузуб олиш.
- Физик-кимёвий усуллар – коагуляция, флокуляция, флотация, экстракция.
- Кимёвий усуллар – нейтраллаш, оксидланиш-қайтарилиш, термооксидлаш.
- Биокимёвий усуллар – оқова сувларни органик моддалардан микроорганизмлар ёрдамида тозалаш.

Афсуски, ушбу фойдаланилган сувлар бир неча маротаба ишлатилгандан сўнг чиқинди сув сифати яроқсиз ҳолга келади. Бундай ҳолат эса ҳар қандай технолог, балки кишини бефарқ қолдирмаса ажаб эмас. Чунки дунё миқёсида нафақат ичимлик, балки шўр ва хатто грунт сувлари миқдорининг тобора камайиб бориши бутун дунё аҳлини ларзага солмоқда. Чунки ҳаётнинг энг асосий манбаъи ҳисобланмиш оби ҳаёт чашмалари ер заминидан тобора қуриб, йўқ бўлиб бормоқда.

Келажак авлод технологларининг энг асосий вазифаларидан бири – ишлаб чиқариш саноатидаги ҳозирги кунга келиб муаммоли тус олаётган жараён ва ҳодисаларни бефарқ қолдирмасдан, балки уни атрофлича ўрганиш ва барча учун энг мақбул ва фойдали бўлишини кўзда тутган ҳолда муаммоларга барҳам беришдир.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш керакки, ҳозирги шундай технологиялар ривожланган даврда ҳар бир целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган бўлиши зарурдир. Улардаги ҳар бир жиҳоздан тортиб то ишчи-ҳодимларнинг иш бажариш тартиби, ишлаб чиқариш қуввати ва ҳатто сифат даражасигача ҳисобга олиниши керак.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва мунтазам назоратни таъминлаш учун раҳбар томонидан ишлаб чиқилган кунлик иш тартиби, йиллик календар режалар, жиҳозларнинг ҳисоб-китоби, ишчилар ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш қуввати, жиҳозларни йиллик таъмирдан ўтказилиш вақти каби низом ва жадваллар тузиб чиқилиши шартдир.

Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга ойлик маошни бир вақтда иш унумига кўра ёки соатбай тарзида ўзаро шартнома асосида берилишини доимий таъминлаш, уларга иш вақтидаги иш ўринлари қулийликлари ва ундан ташқари вақтлар (тушлик)да эса турли дам олиш хоналари, ошхона, юваниш хоналари ва бошқа шарт-шароитлар билан таъминлаш зарурдир.

Иш вақтида юзага келувчи турли баҳтсиз воқеа ва ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчи ва ҳодимлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир корхонада «Мехнат муҳофазаси» ва «Фуқаро муҳофазаси» каби маҳсус бўлимлар давлат томонидан белгилаб қўйилган маълум низомлар асосида корхона раҳбари ва унга масъул ҳодим томонидан тузилади ва корхона иш низомига тадбиқ қилинади.

Ишчилар соғлиғи ва саломатлиги, ишга яроқсиз ва турли ноўрин ҳолатлар доимий назоратда бўлиши учун корхонада тиббий ёрдам бўлими ҳам ташкил этилиши лозим.

Биз технологлар ҳам келажакда ана шундай юқори салоҳиятдаги корхоналарга асос солишимизда юқоридаги билим ва талабларни мустаҳкам эгаллашимиз ва янада ривожлантиришимиз зарурдир.

Бундай замонавий ва ҳар томонлама пухта тузилган режалар асосида яратилган корхоналар нафақат бугунги қун, балки эртанги кунимизда соғлом турмуш тарзимизни яратиш ва янада яхшилашда улкан манбаъ бўлиб хизмат қиласди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. М. Т. Примқұлов, F. Р. Раҳмонбердиев, . «Қоғоз ишлаб чиқаришда материал балансини тузиш» - 2009 й.
2. М. Т. Примқұлов «Қоғоз ишлаб чиқаришда материал балансини тузиш» - 2009 й.
3. М. Т. Примқұлов, F. Р. Раҳмонбердиев «Макулатурани қайта ишлаш технологияси» - Услубий қўлланма, 2008 й.
4. Пузыров С. С. «Методическое указания к курсовому и дипломному проектированию для студентов» - Ленинград, 1987 г.
5. Раҳмонбердиев F. Р., Примқұлов М. Т., Акмалова Г. Ю. «Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологиясидан амалий ишлар» - Тошкент-2007.
6. Бобров Ю. А., Викене Л. Я. «Расчёт мокрой части бумагоделательной машины» - С-Петербург, ЛТА, 1992 г.
7. Махонин А. Г. «Технология целлюлозно-бумажного производства. Расчёт мешальных бассейнов» - Ленинград, 1974г.
8. Рябченко С. В. «Расчёт материальных балансов производства бумаги и картона на ЭВМ ЕС. 1020»: - методич. Указания. – Л.: ЛТИ ЦБП. 1988 г. – 20 с.
9. Каталог-справочник «Бумагоделательные оборудование» М., 1969 г. 216 с.
10. М.Т.Примқұлов, F. Р. Раҳмонбердиев. Т. «Фан ва технология»- 2009 й, 142 бет.
11. М.Т. Примқұлов, F.Р. Раҳмонбердиев, Ёкубов С. «Қоғоз олиш машина ва аппаратлари» - Т. «Фан ва технология», 2010 й, 216 бет.
12. «Технология целлюлозно-бумажного производства» Т.П. (ч.2). Основные виды и свойства бумаги, картона, фибры и древесных плит. СПб. - Политехника, 2006 г.
13. «Технология целлюлозно-бумажного производства» Т.III. (ч.1). Автоматизация, стандартизация и экономика в ЦБП. СПб. – Политехника, 2008 г.

14. М. Т. Примқұлов, Ф. Р. Раҳмонбердиев «Масса тайёрлаш машиналари ва аппаратлари» - Т., 2009 й.
15. М. Т. Примқұлов, Ф. Р. Раҳмонбердиев «Целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқарылған технологиялар» - Т., 2008 й.
16. <http://www.bau-cc.ru>
17. <http://www.xumuk.ru>
18. <http://chemanalytica.com>.
19. [http://www.agroyug.ru/page/item/\\_id-2476/](http://www.agroyug.ru/page/item/_id-2476/)
20. [http://www.mcxb.ru/pages/docs/mc\\_showdoc](http://www.mcxb.ru/pages/docs/mc_showdoc).
21. [angara-woods@ya.ru](mailto:angara-woods@ya.ru)
22. [rosta@extrel.ru](mailto:rosta@extrel.ru)
23. <http://www.zerkalo21>.
24. <http://ru.wikipedia.org/wiki/>
25. <http://www.google.uz>
26. <http://www.google.ru>
27. <http://www.Papcel.ru>